

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДАГИ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИ

Н.Ю.Усарова

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги
Мактабгача таълим агентлиги

Молия-иқтисод ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси
кичик мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11665152>

Жаҳонда ўсиб бораётган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш ҳамда самарали мактабга тайёрлаш мақсадида мактабгача таълим тизимини ташкил этиш ва бошқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. БМТ томонидан 2030 йилгача белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларида “кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришилаш ва уларнинг мактабгача таълимдан бемалол фойдаланиш имкониятларини таъминлаш” долзарб вазифа сифатида қайд этилди. Халқаро тажрибалар мактабгача таълим соҳасида маҳсус таълим дастурлари ҳамда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделларни ишлаб чиқиш, таълим самарадорлигини таъминлаш мақсадида таълим менежментига инновацион ёндашувларни татбиқ этиш асосида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг самарали механизmlарини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Дунё миқёсида давлат ва нодавлат, хусусан, давлат-хусусий шериклик асосидағи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишининг турли шаклларини ишлаб чиқиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришда давлат ва хусусий шерик муносабатларини белгилаш, бошқарув жараёнинг рақамли технологияларни жорий қилиш масалаларига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда мактабгача таълим ташкилотларини горизонтал ва вертикал бошқаришни такомиллаштириш, бошқарув жараёнининг алгоритмик ифодаларини ишлаб чиқиш, бошқарув фаолиятини баҳолаш, бошқарувга жамоатчилик назорати механизmlарини татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда илк ва мактабгача ёшдаги болаларга самарали таълимтарбия бериш ҳамда эрта ривожлантиришга оид меъёрий-хукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, соҳада нодавлат секторни ривожлантириш, замонавий талабларга асосланган давлат таълим стандарти ва таълим дастурларини мактабгача таълим тизимиға жорий этишга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим тизимиға ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш каби муҳим устувор йўналишлар белгиланган. Бу борада нисбатан янги шакл сифатида ташкил этилган давлат-хусусий шериклик асосидағи нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш, бошқарув функцияларини

амалиётга татбиқ қилиш, таълим сифатини бошқариш, бошқарув самарадорлигини баҳолашни жорий этиш долзарб йўналишлардан ҳисобланади.

Мактабгача таълим тизими ёш авлодни ҳар томонлама ривожлантириш, уларда ижтимоий-маданий қадриятларни қарор топтириш, мустақил фикр юритиш ва болалиқдан ўқиш-ўрганишга бўлган қизиқишиларини шакллантириш, таълимнинг кейинги босқичига тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини белгилаш, мактабгача таълим ташкилотларининг турли муқобил шаклларини ташкил этиш, таълим мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, болаларнинг соғлиги ва соғлом овқатлантирилишига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг мактабгача таълим тизимига янада кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони билан соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари ташкил этилди.

ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш таъсисчи ёки директор томонидан таълим ташкилотини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ижодий фаоллигини рағбатлантириш, уларнинг индивидуал ривожланиши учун тегишли шарт-шароитларни яратувчи узлуксиз ва тартибга солинган жараёндир.

Таълим менежментининг асосий қонун-қоидалари, принциплари умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида мактабгача таълим, хусусан, ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш жараёнлари учун ҳам ўринли эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия сифатини ошириш таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш билан бир қаторда, ташкилотлар фаолиятини бошқариш механизмини ҳам такомиллаштиришни тақозо этади. Зеро, тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритувчи ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида яратилган имкониятлардан самарали фойдалана оладиган, жамият эҳтиёжига тез мослаша оладиган, истеъмолчи талабини қондиришга қодир, инновацияларга интилевчан, айни бир пайтда тадбиркор ва педагог бўла оладиган раҳбар кадрларнинг фаолият кўрсатиши давр талаби бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашиладики, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишнинг хуқуқий, молиявий масалалари ўз ечимини топган бўлсада, таълим-тарбия мазмуни, методикаси, тарбияланувчилар соғлигини сақлаш, соғлом овқатлантириш ва мазкур жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш механизmlарини такомиллаштириш долзарб вазифалар сифатида кун тартибига чиқмоқда.

ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари давлат ва жамиятнинг мактабгача таълимга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондирувчи муассаса бўлиши билан биргалиқда айни вақтда энг юқори даражада фойда олишни кўзловчи

тадбиркорлик субъектлари ҳам бўлиб ҳисобланади. Мазкур жараёнда таълим билан боғлиқ ижтиомий талабларнинг қондирилиши ва тадбиркорлик субъектининг фойда олишга қаратилган ҳаракати ўзининг энг мақсадга мувофиқ нуқтасида кесишишини менежмент нуқтаи назаридан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ДХШ асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари на тадбиркорлик ва на мактабгача таълим жараёнига алоқадор бўлмаган фуқаролар томонидан ташкил этилган. Мазкур жараёнда мактабгача таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш ва бошқариш, тадбиркорлик субъектининг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича тавсиялар бериш, ташкилотларнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш муҳим зарурат ҳисобланади.

Давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига тизимили ёндашув асосида бошқарув функциялари ахборот-таҳлил, режалаштириш, ташкил этиш ва назорат қилишдан иборат. Мазкур функциялар бошқарув жараёнида ўзаро боғлиқ ҳамда улардан бирининг сифат жиҳатдан ўзгариши бошқаларининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, бошқарув самарадор ташкил этилиши учун ҳар бир бошқарув функциялари ўз ўрнида ва сифатли амалга оширилиши зарур.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепцияси”.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли Қарори.
4. Маткаримов Ж.Ш., Шарофаддинов Ш.А. Таълим жараёнида бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашга оид назарий қарашлар. – Т.: Замонавий таълим, 2015, №3. 11-15 б.